

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2023 йил сентябрь ойининг “04” куни жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Мирзакиров, Ф.Қосимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ўзбекистон туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, судланувчи М.Жалолов унинг ҳимоячиси “Ozod Sher Himoya Prof” адвокатлик бюроси адвокати К.Жўраевларнинг иштирокида, Жалолов Мунаввар Турсуновичга нисбатан 1-1504-2301/225-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Жалолов Мунаввар Турсунович (Jalolov Munavvar Tursunovich), 1963 йил 10 июнь куни Ўзбекистон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланган, ёлланма ишчи, Ўзбекистон тумани, Қораёзбобо м.ф.й., Маориф қишлоғи, Тегирмон боши кўчаси, 42-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” қўлланилган, айблов далолатномасини нусхасини 2023 йил 31 июлда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи М.Жалолов 2022 йил 04 июнь куни Ўзбекистон тумани Давлатботир м.ф.й. худудида жойлашган мевали боғ шийпонида 100.000 сўм эвазига тадбир иштирокчилари И.Кимсанов ва Д.Ўриноваларни жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиб берган вақтида ИИБ ходимлари томонидан ушланган, ундан 100.000 сўм пуллар ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи М.Жалолов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, Давлатботир маҳалласида жойлашган боғ ер майдонига қоровуллик қилиб келишини, 2023 йил 04 июнь куни соат 11:00 ларда нотаниш аёл қўнғироқ қилиб, Фарғона шаҳридан мехмони борлигини, таниши билан жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб берса эвазига 100.000 сўм беришини айтганида рози бўлганини, улар келгунга қадар жойларни тўғрилаб, печкага ўт ёқиб сув иситиб қўйганини, орадан бироз вақт ўтгандан сўнг улар келишганда боғ



ичидаги хонага олиб кириб, 100.000 сўм пулларни олиб, шу ерда дам олишлари мумкинлигини айтиб ташқарига чиқиб кетганини, орадан биров вақт ўтиб фуқаролик кийимида бўлган ИИБ ходимлари келиб, ўзларини таништириб, тезкор тадбир ўтказилганини, жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб берган мижозлари томонидан берилган пулларни ўз ихтиёри билан тақдим қилишини тушунтиришганда уларга пулларни тақдим қилганини, ИИБ ходимлари 2 нафар холислар иштирокида ўзларида бўлган пуллар нусхали билан солиштирганда серия рақамлари бир хил экани аниқланиб, баённома тузиб олишганини, шундан сўнг тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун ИИБ биносига келишганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганини, ёшини ҳисобга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи ўзига эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдирса-да, бундан ташқари, унинг юқорида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги далил ва исботлар билан тасдиқланади:

Гувоҳ Ш.Маматова суд мажлисида, 2023 йил 04 июнь куни Ўзбекистон туман ИИБ ЖҚБ ходимлари “Мунавар” исмли шахс мева боғида фуқароларга жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериб келаётгани юзасидан ўтказилаётган тезкор тадбирда холис сифатида иштирок этишга таклиф қилишганини, ўз ихтиёри билан тадбирда холис сифатида иштирок этишга рози бўлиб, тадбирдан олдин ҳуқуқ мажбуриятлари тушунтирилиб, махсус харидорга “Мунавар” исмли шахс пул эвазига мева боғидаги дала шийпонида жинсий алоқа қилишлари эвазига сўраган 100.000 сўм пулларни ксеро нусхалари олиниб уларни серия рақамлари билан солиштирилиб баённома тузилиб берилганини, Ўзбекистон тумани Давлатботир м.ф.й. ҳудудида жойлашган “Мунавар” исмли шахсни мева боғида пул эвазига тадбир иштирокчилари жинсий алоқа қилаётганларида ИИБ ходимлари бориб ҳолатни аниқлаб, ўзини Жалолов Мунавар Турсунович деб таништирган шахсдан тадбир учун ксеронусхлари олинган 100.000 сўм пуллар солиштириб кўрилиб далилий ашё тариқасида ёнидан олиниб, баённома қайд этилганини, ўша ернинг ўзида М.Жалолов ҳақиқатдан ҳам дала шийпонида пул эвазига тадбир иштирокчиларига жинсий алоқа қилиш учун шароит яраштиб берганини, айбига иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлигини маълум қилиб ўтганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганини билдириб кўрсатув берди.

Суд, суд мажлисида аниқланган ва текшириб чиқилган далилларни ва ҳолатларни эътиборга олиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Жалоловнинг жинсий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, М.Жалолов Ўзбекистон тумани Давлатботир м.ф.й. ҳудудида жойлашган мевали боғи шийпони фуқароларни жинсий алоқа қилишлари учун махсус жиҳозламагани, фоҳишахонанинг узоқ муддат ишлаши учун керакли шароит яратмагани, ушбу хонадонга мижозлар ёллаш ҳаракатларини доимий равишда амалга оширмагани, шунингдек ўз мижозларининг шахвоний



эхтиёжларини муттасил равишда қондириш учун ушбу мевали боғидан фойдаланмагани, балки ғаразли ва бошқа паст ниятларда 100.000 сўм пул эвазига қўшмачилик қилиш жиноятини содир этган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан кўриниб турибдики, судланувчи томонидан фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш жинояти содир этилмаганлиги, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда пул ва моддий қимматликлар эвазига қўшмачилик қилганлиги сабабли уни фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш жиноятини содир этган деб айблаб бўлмайди.

Шу сабабли, суд, суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, судланувчи М.Жалоловнинг жиний ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисмидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Судланувчи М.Жалоловнинг ЖК 131-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўз айбига тўлиқ иқро ва пушаймон бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жиноят ишидаги ариза, тезкор тадбир ўтказиш ва ашёвий далил олиш баённомаси, махсус иштирокчига пулларни бериш баённомаси, гувоҳларнинг судда ва дастлабки терговда берган кўрсатувлар ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар мажмуи билан тасдиғини топди.

Суд, судланувчига жазо тури ва меъерини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги № 1-сонли Қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида кўрсатиб ўтилганлигини, ЖКнинг 55,56-моддаларида кўрсатилган ишдаги жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва оқибатларини инобатга олиб, инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳолда;

- судланувчи М.Жалоловнинг, шахсини, ёшини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унинг жиноят содир қилгунга қадар хулқ-атворини, айб шаклини, содир қилинган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини, содир қилиш шароити ва сабабларини, шахсини ҳисобга олган ҳолда оилавий шароитини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир этганлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этиб, шунингдек, ишдаги бошқа жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, хулқини жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаб бўлади деган хулосага келиб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил тариқасида олинган 100.000 сўм пуллар тилхат орқали Ж.Тожибоевга қайтарилганини инобатга олишни лозим топади.



Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларни қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Жалолов Мунаввар Турсунович (Jalolov Munavvar Tursunovich)нинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисмидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилинсин.

Жалолов Мунаввар Турсунович (Jalolov Munavvar Tursunovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

М.Жалоловга Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 (йигирма беш) баравари миқдорида 8.250.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима белгиланган тартибда давлат фойдасига ундирилсин.

Унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Далилий ашё тариқасида олинган 100.000 сўм пуллар тилхат орқали Ж.Тожибоевга қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик этувчи:

(имзо)

Ш.Мирзакиров

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Ўзбекистон туман судининг раиси

Ш.Мирзакиров

